

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГЕРМАНИЯГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафикаси билан бирга Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг таклифига биноан 2 май куни ташриф билан Берлинга келди.



“Берлин-Бранденбург” аэропортида Ўзбекистон етакчисининг ташрифи муносабати билан икки мамлакат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди.

Олий мартабали меҳмонни Германиянинг расмий шахслари кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи ушбу

мамлакат Федерал Канцлери Олаф Шольц билан музокара-лардан бошланди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Германия Канцлерига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Германияни ўзининг ишончли ва стратегик ҳамкори сифатида қабул қилиши, мамлакатларимизни чуқур

тарихий илдизлар боғлаб тургани қайд этилди. Кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар барча йўналишларда жадал ривожланиб бормоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ва қўшма лойиҳалар сони икки баробар ортгани мамнуният билан таъкидланди. Германиядан Ўзбекистонга инвестициялар ҳажми 5,5 миллиард долларга етди, шундан 4 миллиард дол-

лар охириги 6 йилда жалб қилинган.

Ташриф доирасида ўтган қўшма бизнес-форум юксак баҳоланди. Унинг якунида умумий қиймати 9 миллиард долларлик савдо, инвестициявий ва технологик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

“Яшил” энергетика, қазиб чиқариш, кимё, фармацевтика

тармоқларида, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш, инновация ва бошқа соҳалардаги кооперация лойиҳалари шулар жумласидан.

Германия компанияларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “KfW”, “Deutsche Bank” банклари ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти билан кенг қўламли шериклини ривожлантиришга келишиб олинди.

Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилишини ҳамда Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имкон қадар тез имзолашини бундан бунён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрлиги билдирди.

Сиёсий мулоқотни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Томонлар ташриф чоғида Кўп қиррали ҳамкорлики янада чуқурлаштириш тўғрисида Ҳукуматлараро декларация имзоланишини олқишладилар.

Олаф Шольц Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитини яратиш, интеграцияни чуқурлаштириш бўйича янги минтақавий сиёсатини қўллаб-қувватлади.

“Германия — Марказий Осиё” форматига мулоқот майдонини ишга туширишга аҳдлашиб олинди.

Минтақада, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятни инобатга олган ҳолда хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу мамлакат учун гуманитар лойиҳаларни давом эттириш, шу жумладан, Термиздаги

логистика мажмуаси ва Афғон ёшлари учун таълим маркази имкониятларидан фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Транспорт ва логистикани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар Марказий Осиёни Европа билан боғлайдиган самарали йўналишни шакллантиришга хизмат қилувчи Транскаспий йўлагини биргаликда ривожлантириш бўйича яқдил фикр билдирдилар.

Маданий-гуманитар ҳамкорлигининг кун тартиби бой экани мамнуният билан қайд этилди. Германия томони шу кунларда Берлин шаҳрида Ўзбекистоннинг маданий меросига бағишлаб очилаётган ноёб кўргазмани юқори баҳолади.

Ўзбекистонда немис тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. Германия ҳукумати мамлакатимиз худудларида немис тилини ўқитишни кенгайтиришга техник кўмак кўрсатиши тўғрисида келишиб олинди.

Умуман, ташриф доирасида иқтисодиёт, савдо, молия, таълим, фан ва инновация соҳаларида ҳукуматлараро ва идоралараро 16 та ҳужжат имзоланди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцни ташриф билан Ўзбекистонга келишига таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германияга ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЕТАКЧИЛАРИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан 2 май куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва амалий ҳамкорлиқнинг устувор лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Туркия етакчиси давлатимиз раҳбарини Конституция ислоҳоти бўйича умумхалқ референдуми муваффақиятли ўтказилгани билан самимий қутлаб, қардош Ўзбекистон халқига фаровонлик, тараққиёт ва равақ тилади.

Суҳбатда мамлакатимизда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оши-

риш муҳимлиги қайд этилди. Стратегик шериклик кенгашининг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон раҳбари Туркия етакчисига жорий йилнинг май ойи ўртасида бўлажак Президент сайловида муваффақиятлар тилади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аҳждоқларимиз хотирасини абдийлаштириш, бугун ҳам сафимизда туриб, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий ҳижратдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 78 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

- Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига **18 000 000** (ун саккиз миллион) сўм миқдоридан бир мартали пул мукофоти белгилансин.
- Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудоффа вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ҳамда байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2023 йил 2 май

Эътироф ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ КАФОЛАТИДИР

Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 1 майдаги қарори билан 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун қуға кирди. Референдумга тайёргарлик ва ўтказиш жараёни хорижий ОАВ томонидан кенг ёритилди. Хорижий босма ва электрон нашрларнинг мухбирлари воқеа жойидан репортажларни мунтазам эфирга узатиб, ўз ўқувчилари ва томошабинларини Ўзбекистон ҳаётидаги энг муҳим воқеа ҳақида тезкорлик билан хабардор қилиб борди. Шунингдек, хорижий ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари ОАВ орқали, Ўзбекистонда бўлиб ўтган референдум ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Магдалена ПЕРНЕТ, Польшанинг “Polsatnews” телеканалли мухбири:
— Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон учун тарихий воқеа, айниқса, Асосий Қонун 60 фойздан кўпроққа ўзгартирилганидан кейин. Халқаро қузатувчилар орасида кўплаб давлатлар вакиллари, жумладан, журналистлар ҳам бор. Қузатувчи сифатида, аввало, референдум Ўзбекистон фуқаролари учун ошқо-ра ва қулай тарзда тайёрланган ҳамда ўтказилган мамлакатдаги энг муҳим сиёсий воқеа эканини алоҳида таъкидламоқ-чиман.

➡ 2

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ШЕРИКЛИК

Давлатимиз раҳбарининг Германияга ташрифи арафасида «Berliner Zeitung» газетасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц билан учрашувига бағишланган мақола эълон қилинди.

Ушбу нашрда мазкур воқеага Ўзбекистон ва Германия муносабатларининг муҳим даври дея таъриф берилмоқда. Унда қайд этилганидек, 2016 йилдан бери мамлакатда модернизация дастурини амалга ошираётган Ўзбекистон раҳбари Германия билан ҳамкорликини мустаҳкамлашга инти-лмоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг саломқили натижалари кўп, бунга ай-ниқса, амалга оширилаётган ис-лохотлар самаралари ва истиқбол-

лари мисол бўлиб, бу ҳозирги за-мон қаҳриқлари шароитида ЕИ учун жиддий эътибор объекти бўлиши мумкин. «Berliner Zeitung»да қайд этилишича, таш-риф кунлари Германия ҳукумати-да Ўзбекистонни Европада янада яқинроқ жалб этиш имконияти бўлади.

Нашр ўқувчиларига шу кунларда республикада тарихий «модерни-зация йўлидаги референдум» бўлиб ўтгани ҳақида хабар берилар экан, Шавкат Мирзиёев Германия-

га Ўзбекистон учун туб бурилиш ясаётган вақтда ташриф буюрга-ни ёзилмоқда. Янгиланган Консти-туцияга киритилган қатор норма-лар санаб ўтилган ҳолда немис медианаширида конституциявий ис-лохотни овоз берган фуқаролар-нинг 90 фойздан ортиги маъқу-лагани қайд этилмоқда. Бу Канцлер Олаф Шольц Ўзбекистон тарихида узоқ вақтга из қолдира-диган ўзига ишонган Президент билан учрашшини аңглатади.

«Шавкат Мирзиёев мамлакат-

ни келажақ сари жадал етаклашга муваффақ бўлаётганини ҳеч ким инкор эта олмайди: аввалги ту-зум танқидчилари қамоқоналар-дан озод этилди, онлайн-медиа соҳаси фаолиятини либерал-лаштиришга эришилди, сўз эркин-лиги кенгайди, ҳуқуқни муҳофа-за қилиш органлари зўравонлиги че-кланди. Ўзбекистон Президенти иқтисодиёт очиклиги ва туризм соҳасининг жадал суръатларда ри-вожланиши учун масъул», деб ёзилмоқда газетда.

«Berliner Zeitung»да Германия юқорида қайд этилган ислохот-ларга қандай муносабат билди-риши кераклиги ҳақида ҳам ёзил-ган. Қайд этилишича, Фарб ше-рикликни йўлга қўймоқда ва Ўзе-бекистондаги хайратланарли дара-жадаги ижобий жараёнларни тан олмоқда. Ҳозирги вақтда ушбу Марказий Осиё республикаси савдосининг қарийб 30 фоизи ЕИ ҳиссасига тўғри келмоқда, бунда Германия энг муҳим ше-рик ҳисобланади.

➡ 2

Сенат ялпи мажлиси олдидан ИСЛОҲОТЛАРГА ИЗЧИЛЛИК ВА СУРЪАТ БАҒИШЛАЙДИ



Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати қўмиталари мажлисларида парламент юқори палатаси қирқин-чи ялпи мажлисида муҳокама қили-ниши кўзда тутилаётган ҳар бир масала иштирокчилар томонидан қизгин кўриб чиқилди. Негаки, ушбу масалаларнинг ислохотларга янги-ча суръат бериши кутилмоқда.

Парвозлар хавфсизлигини янада кучайтиришга хизмат қилади

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий ало-қалар, хорижий инвестициялар ва туризм ма-салалари қўмитаси мажлисида “Халқаро меҳ-

нат ташкилотининг ходимларни иш жойидаги ҳавонинг ифлосланиши, шовқин ва тебраниш-лар туфайли юзага келади-ган касбий хавф-хатардан химоя қилиш тўғрисидаги 148-сонли Конвенциясини (Женева, 1977 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқинчи ялпи мажлиси бугун — 2023 йил 3 май куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида жорий йилнинг 3-4 май кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-нинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мамлакатимиз тараққиёти ва фуқаро-ларнинг манфаатларини таъминлашга оид бир қатор қонун лойиҳалари қизгин кўриб чиқилган ушбу мажлис жараёнида ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётимизда не-чоғли аҳамиятга эгаллиги ва моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар берилади

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Қорақал-поғистон Республикасида ин-вестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратил-ган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзе-бекистон Республикаси Солиқ

кодекси ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга қўшим-чалар киритилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республика-сининг тадбиркорлик субъект-ларига вақтинчалик имтиёз-лар бериляпти. Яъни фойда солиғи, айланмадан олинади-ган солиқ, мол-мулк ва ер со-лиғи 50 фоизга камайтирил-моқда.

Ижтимоий солиқ улар то-монидан 1 фоиз миқдоридagi ставка бўйича, яъна тартиб-даги тадбиркорлар томонидан эса йилга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари даражасида тўланади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси худудидagi нодав-лат таълим ташкилотлари ўқув жараёни учун жалб қилинадиган хорижий мутахассислар (ўқиту-вчилар) консуллик йиғими ҳамда доимий яшаш ва вақтинча тур-ган жойи бўйича рўйхатдан ўтган-лик учун давлат божини тўлаш-дан озод этилади.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Қорақалпоғистон Республикасининг инвести-циявий жозибдорлигини оширишга, тадбиркорлиқни ривожлантиришга йўл очади.

➡ 4

Халқаро миқёсда референдум натижалари ЖСТга аъзо бўлиш бўйича ишларни фаол давом эттириш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини қўпайтиришга интилиш, банк ва молчи фаолиятини интеграциялаш нуктаи назаридан, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳаёон иқтисодий жараёонларда янада очилиши ва иш-тироки учун фойдали бўлади.

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛИКЛАРИ, ҲОКИМЛИКЛАРИ, КОРПОРАЦИЯЛАРИ, БАНКЛАР, БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚЎШМА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

2022/2023 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ишга тақсимлаш жараёни бошланганини хабар қилади.

Шу муносабат билан битирувчи ёш мутахассисларга сиз раҳбарлик қилаётган корхона, ташкилот ва муассасада эҳтиёж мавжуд бўлса, талабнома ва сўров хати билан ҳамда таклиф этилаётган лавозим тўғрисида маълумотлар билан мурожаат этишингизни сўраймиз. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва Тошкент шаҳри миқёсида университетни тугатаётган малакали ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотни қуйидаги жадвалда сизнинг эътиборингизга ҳавола этамиз.

Изоҳ: Г — грант асосида; Ш — шартнома асосида.

Таълим йўналишлари			Шу жумладан, вилоятлар бўйича																															
			Битирувчи-ларнинг умумий сони		Қорақал-попiston Республикаси		Андижон вилояти		Бухоро вилояти		Жиззах вилояти		Навоий вилояти		Наманган вилояти		Самарқанд вилояти		Сурхондарё вилояти		Сирдарё вилояти		Тошкент вилояти		Фарғона вилояти		Хоразм вилояти		Қашқадарё вилояти		Тошкент шаҳри			
Жами			г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш		
1 Касб таълими: (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси)			13	3	10			1									1				2	3	5			1	1	1	3	4	18			
2 Дизайн (турлари бўйича)			35	10	25			1			1	1	1		2						2	3	4											
3 Корпоратив бошқарув			30	10	20																1	2	4											
4 Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)			25	6	19			2					1								1	2	4			1	1	1	2	5	8			
5 Энергетика (тармоқлар бўйича)			223	39	184	2	9	3	7	6	18	6	4	15	1	5		11	5	14	1	2	1	25	1	5	3	12	6	27	6	28		
6 Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)			182	21	161	2	2		5	3	11	4	3	16	2	2	15		8			4	2	16	3	10	1	8	3	37	2	23		
7 Металлургия			80	14	66						1	4		14				1	4	1		4	3	30				1	1	2	3	7		
8 Автомобилсозлик ва тракторсозлик			37	10	27	1			1	1	1		1		1	2		4	3				5				2	2	1	2	2	8		
9 Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича)			81	13	68	1	2		2	2	7		2		6	1	2	1	3	1	7	1		2	8		6	7	2	8	2	8		
10 Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)			135	22	113	2	6		1	4	9	1	7	3	10		1	3	11		3		6	3	17		2	2	7	2	15	2	18	
11 Электроника ва асбобсозлик (тармоқлар бўйича)			101	17	84	1	7			1	7	2	2	2	4		1		9	2	5		7	3	15	1		1	2	2	14	2	11	
12 Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)			56	9	47	1			1	1	1	2		1		3		1	1	1	2			6			2	1	2	2	6	3	19	
13 Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)			109	14	95			4			6		3	3	10	1	3		4	1	4		3	2	7	1	2		3	3	26	3	20	
14 Геодезия, картография ва кадастр (тармоқлар бўйича)			70	9	61	1	3				4		2	4		2		2	3	2	6		3	2	14			1	2	7		12		
15 Кончилик иши (фаолият турлари бўйича)			95	28	67			3	2		6	7	5	5	10	4	3	3	9	3		8		3	12	1				6	1	4		
16 Фойдали қазилма конлари геологияси, кидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича)			179	25	154	1	10	2	2	3	18	1	4	4	13		2	1	18		13	2	3	1	14	3	5		2	3	34	4	16	
17 Гидрогеология ва муҳандислик геологияси			17	4	13	1						2		1										1	4	1	2				2	1	2	
18 Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш			58	6	52			5		8			1	3			1	2		5		8		1	3			4	3	1	6	2	5	
19 Нефть-газни қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш			27	3	24	1				3	2		1				1	1	2		3		3		1	1		1	3		6	1		
20 Энергоаудит ва саноат корхоналарининг энергетик текшируви			33	5	28	1				1	1	1	3					1	1	1		1	1	3			1		4	1	12			
21 Кончилик электр механикаси			41	9	32	1	2			1	3			2	6	2	1		2		3		2	4	10					1		1	4	
22 Маркшейдерлик иши			45	9	36				1	1	1		1	2	7	1	3		10	1				3	9							1	4	
23 Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича)			42	4	38				1	1	4	1		1	1	1		1			2		4		6			1	3	1	7	1	7	
24 Энергия машинасозлиги (тармоқлар бўйича)			31	3	28			2		1	2				2				3		2		1		4				2	1	3	2	4	
25 Мехатроника ва робототехника			28	1	27					2	1								2		1		2		7			1		1	3	1	7	
26 Интеллектуал муҳандислик тизимлари			30	3	27	1			3	1			1			1				2			1	3				1	1	2	1	13		
27 Қўймакорлик технологиялари			26	4	22					1	1		2	1	1							2	1	10				1	1		1	4		
28 Лазер технологиялари ва оптоэлектроника			17	3	14						1	1									2			2							1	2	7	
29 Биотехнология ва муҳандислик			43	5	38			1	1				1		1		2		2					12		2			1	7	3	10		
30 Геология-разведка ишларининг техникаси ва технологияси			45	7	38	1	3	1			7		1	2	6				6			1		1	2					8	1	4		
31 Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича)			75	14	61				1	1	1	1	2	1	4				3	1	7		1	5	22		1		1	9	5	9		
32 Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришнинг жихозлаш ва автоматлаштириш			126	26	100			3	1	5	3	6	2	1	4	11	1	5	4	21	2	4		3	3	16	1	2		4	3	4	2	15
33 Технологик машиналар ва жихозлар (тармоқлар бўйича)			139	25	114	2	4		2	1	8	1	3	1	12		5		10		6	1	2	3	16	1	1		7	11	25	4	13	
34 Биотехнология (тармоқлар бўйича)			32	6	26	1			1						1		1			1	2		3		7				1	5	1	7		
35 Нефть ва газ иши (фаолият турлари бўйича)			62	8	54	1	5	2	6	1	2	1	4	1	2		2	1		1	11			1						11		10		
36 Озиқ-овқат саноати машиналари ва агрегатлари			44	10	34			1					2		2				2	2	2	1	3	3	7		3			1	2	3	10	
37 Пайвандлаш ишлаб чиқариш технологияси ва жихозлари			31	10	21					1	2			3	1					2		1	1	1	6			1	1	3	2	1	5	
38 Совитиш, криоген техникаси ва мўтадиллаш тизимлари машиналари ҳамда агрегатлари			19	8	11								2							1	3		1	1	3	1			1	1	2	3		
39 Нефть-газ кимё саноати технологияси			37	6	31			1	4	3		1	2	3	1				2	1	4		1	1	1		1	1		2	4		5	
40 Электрон аппаратуралар ишлаб чиқариш технологияси			34	3	31			1		2	2		1	1			1				1		1		5					7	1	11		
41 Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)			59	7	52			2			3		1	1	1		3	1			4		5		7	1	2	1	1		3	3	20	
42 Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (тармоқлар бўйича)			53	5	48	1			2			3	2	2					3		4		1	1	6		1	1			11	1	13	
43 Хизматлар соҳаси (автомобиль, транспорт)			42	9	33			1		2	3	1	2		2				6	1	4	1	2	1	7				1	2	2	1	3	
44 Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича)			14	4	10				2	1		1		1					1	1				1					2	3		1		
45 Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)			42	4	38			1		1	1	3		1					1		5		5	3	5	1			2		7		6	

ИСЛОҲОТЛАРГА ИЗЧИЛЛИК ВА СУРЪАТ БАФИШЛАЙДИ

Таъкидланганидек, мазкур Конвенциянинг асосий мақсади миллий қонунчилик ёки норматив ҳужжатлар орқали иш жойидаги ҳавонинг ифлосланиши, шовқин ва тебранишлар туфайли юзага келадиган касбий хавф-хатарнинг олдини олиш ва чеклашга қаратилган чора-тадбирларни белгилашдан иборатдир. Унинг ратификация этилиши меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини яратиш имконини беради ҳамда меҳнат муҳофазаси миллий тизимини янада такомиллаштиришда қўл келади.

Мажлисада сенаторлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида форс-мажор ҳолатларда давлат авиацияси хаво кемалари томонидан хаво ҳаракати ва аэродромлардан фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2021 йил 10 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама давомида икки қардош халқ ўртасидаги қўп асрлик тарихий ва маънавий-маданий алоқаларга асосланган Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари бугунги кунда қўп қиррали ва барқарор хусусият касб этгани айтиб ўтилди.

Мазкур битим давлат авиацияси хаво кемалари томонидан хаво ҳудуди ва аэродромлардан фойдаланиш бўйича ўзаро ҳамкорликнинг ягона тартибини шакллантириш борасида мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган савй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ҳужжатнинг ратификацияси парвозлар хавфсизлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Хавфсизлик қоидаларига риоя этиш мажбуриятини юклайди

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида сенаторлар, экспертлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида “Халқро меҳнат ташкилотининг ходимларини иш жойидаги ҳавонинг ифлосланиши, шовқин ва тебранишлар туфайли юзага келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги 148-сонли Конвенциясини (Женева, 1977 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши энгил саноят ва чарм сананои қорхоналарида ишлайдиган ақсарият хотин-қизлар учун гоятда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ушбу Конвенцияга биноан ҳавонинг ифлосланиши, шовқин ҳамда тебраниш билан қақирлулчи касбий хавф-хатарлардан огоҳлантириш ва уларни чеклашга, ушбу хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган хавфсизлик техника-

си қоидаларига риоя этиш мажбурияти юкланади. Сенаторлар мазкур ҳужжат йирик қорхоналарда фаолият юритаётган хотин-қизлар учун қулай ва хавфсиз иш шариоитини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, у билан боғлиқ муносабатлар масаласида иш берувчилар масъулиятини оширишга хизмат қилишини таъкидлашди.

Миллий гвардия органлари қўшимча ваколатларга эга бўлади

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Маълумки, ҳозирда Миллий гвардия органларига ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бажариш, давлат объектларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат ҳойларига патруллик қилиш каби вазифалар юклатилган. Бугунги кунда амалиётда мазкур вазифаларни тўлақонли амалга ошириш ҳамда хизматини ўташ давомида аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан тўпналган чора кўриш учун Миллий гвардияга маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга доир айрим ваколатларни бериш зарурияти юзага келаётгани ҳам сир эмас.

Миллий гвардия органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2022 йилда амалга оширилган ишлар натижасида ноқонуний сақланган 44 та пневматик ва ов қуроли, 3 минг 202 дона ўқ-дори олиб қўйилган.

Фуқаровий ва хизмат қуроли сифатида муомалада бўлиши тақиқланган мингдан ортиқ қастет, бита, пичоқ ва бошқа ўткир тигли буюмларни олиб юрган 960 нафар фуқаро аниқланиб, тегишли чора кўриш учун ички ишлар органлари ходимларига топширилган.

Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ходимларига юқорида айтиб ўтилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш (баённома тузиш) ваколати берилмаганлиги сабабли юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан тўпналган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга ҳал этиш учун юбюрилган. Бу, ўз навбатида, ортиқча ҳужжат айланиши ва энг асосийси, фуқароларнинг сарсон бўлишига сабаб бўлган.

Шу муносабат билан ҳамда Президентнинг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси-

нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Бу қонун билан Миллий гвардия органларининг ходимларига майда безорилик, қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш, совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юришга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш, баённомалар тузиш ва уларни судга юбориш юзасидан қўшимча ваколатлар бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни кўришда қонунийликни таъминлаш ва асосиз жавобгарликка тортиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Миллий гвардия органлари номидан қонунда кўрсатилган бошқарма бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима жазосини қўллашга ҳақли эканлиги белгиланаётди.

Ноёб дарахт ва буталарга шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда

Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси мажлисида сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг доимий комиссиялари, экспертлар, Ёшлар парламенти аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун кўрилди.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесиш, қундаков этиш, шикастлантириш, йўқ қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган қурилиш лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Дарахтларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга ҳилоф равишда кесиш, қундаков этиш, шикастлаш, йўқ қилиш ёки бошқа хойга қўчириб ўтказиш учун белгиланган жарима миқдори фуқароларга БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 15 бараваридан 20 бараваригача даражада бўлади.

Шунингдек, ҳудди шундай ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақдоран содир этган фуқароларга БҲМнинг 15 бараваридан 25 бараваригача, мансабдорларга эса 25 бараваридан 35 бараваригача этиб белгиланаётди. Қола-

верса, бундай ҳуқуқбузарлик учун ўн беш суткагача муддатта маъмурий қамоқ жазоси қўлланилиши ҳам мумкин.

Бу қонуннинг қабул қилиниши ўсимлик дунёсининг янада ишончли муҳофаза этилиши ҳамда яшил ҳудудлар кенгайишига, юридик ва жисмоний шахслар томонидан дарахтларни ноқонуний кесиш каби ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг шахсий жавобгарлиги ҳамда масъулиятини оширишга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва давлат экологик назорати самарали ташкил этилишига имкон беради.

Мурожаатларни кўриб чиқадиған ходимлар масъулиятини ошириш зарур

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида қўмита аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тегишли доимий комиссияси раислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Унда дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун кенг муҳокамадан ўтказилди.

Таъкидланганидек, қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесиш, қундаков этиш, шикастлантириш, йўқ қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган қурилиш лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун таҳлил қилинди.

Унга асосан, тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини уларнинг розилигисиз қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёҳуд ортиқча ундирилган пул маблағларини ўз вақтида қайтармаганлик учун маъмурий жавобгарлик қўзда тутилди.

Ўз навбатида, сенаторлар томонидан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, қонунбузиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларининг фуқаролар ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадиған ходимлари масъулиятини ошириш заруриги айтилди.

Мажлисларда қўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

Қизгин муҳокамалардан сўн қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Педагогларга 56 иш кунидан иборат йиллик ҳақ тўланадиған узайтирилған таътил берилади

Халқ вакиллари томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Педагог ходимнинг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича улкан ислохотлар амалга оширилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимояси остида бўлишини кафолатлаш мақсадида шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиш масаласида ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат этганида давлат боқини тўлашдан озод қилиш тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, педагог ходимни лавозим мажбурияти ва касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилишни тақиқлаш, илк бор касбий фаолият бошлаётган шахсга бир ўқув йили даврига ўқитувчи-мураббийликни амалга оширувчи педагог ходимни бириктириш назарда тутилди.

Шу билан бирга, давлат таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагог ходимлар давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида мажбурий тиббий қўриқдан бепул ўтиши, педагог ходимнинг касбий фаолияти давомида юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш давлат томонидан таъминланиши акс этмоқда. Қолаверса, эллик олти иш кунидан иборат йиллик ҳақ тўланадиған узайтирилган таътил бериш белгиланаётди.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонуннинг бугунги кундаги зарурати ва аҳамиятини эътиборга олиб, уни янада такомиллаштириш, пишқ-пукта ҳолатга келтириш бўйича бир қатор тақлифлар берди. Ушбу ҳужжат ўқитувчиларнинг обрўсини ошириш, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг иж-

«Халқ сўзи».

МУАЛЛИМ МЕҲНАТИ

ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЙ САЛОҲИЯТИНИ БОЙТИШИНИНГ АСОСИДИР

Конституция давлат ва халқ тақдирини белгилаб берадиған энг муҳим қонун ҳужжати. Шу боис янги таҳрирдаги Конституция мазмун-моҳиятини, унда ўз аксини топаётган янгилик ва ўзгаришларни кенг жамоатчилик қизгин кутиб олди.

Нуктаи назар

Куни кеча бўлиб ўтган референдум натижаларига қўра қабул қилнган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни жамиятимизнинг эволюцион ривожланишидан келиб чиқаётган ҳаётий заруратдир. Ушбу тарихий ҳужжат мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олиш учун гоят аҳамият-ли, адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан воқелиқдир.

Янгиланган Бош қомусимизда ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамҳўрлик қилиш мажбуриятини қайтайтирди. Бу қоидалар инти пайтада мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси билан шуғулланаётган 685 мингдан зиёд ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши, иқтимоий, моддий қўллаб-қувватланишини, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Аслида ҳам, ўқитувчилик — жамиятда ўта масъулият, меҳнат ва фидойилик талаб этади-



эркак ўқитувчилар тизимини тарқ эта бошлаган эди.

Хайриятки, юртимизда ўқитувчиларнинг жамиятдаги обрўсини тиклаш учун чинакам ҳаракатлар бошланди. Президентимиз фаолларнинг илк йилларида мактаб ва таълим ҳақида сўзлар экан, илгари ўқитувчи келаётган бўлса, бошқалар ҳурмати учун четга ўлиб турганлигини таъкидлаб, аввало, жамиятнинг қарашини муаллимга нисбатан эзгу бўлиши кераклигини уқтирган эди.

Сўнгги 6-7 йилда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсири кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича улкан ислохотлар амалга оширилмоқда.

Янгиланган Конституциямизда ҳам илм-маърифат билан боғлиқ моддалар муҳрлангани бежиз эмас. Жумладан, 52-моддада “Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва

давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамҳўрлик қилади”, дея белгиланган. Демак, “Устоз — отандек улук” деган нақрга амал қилувчи халқимизнинг маънавияти ва табииатига монанд моддалар янги таҳрирдаги Бош қомусимиздан мустаҳкам ўрин олди. Бизнингча, ўқитувчиларни эъзозлаш, уларнинг қадри ва мақомига мот ахтиром кўрсатиш бўйича дунёдаги ҳамма давлатларнинг қонуналирида ҳам бундай нормалар бўлмаса керак. Конституцияга бундай қоидадан киритилиши узоқни қўзлаб қилинган гоят муҳим ва эзгу иш деб ўйлаймиз. Бунинг натижасида таълим сифати янада ошади. Агар ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеи ва ҳурмати юқори бўлса, уларнинг ўз ишига рағбати, фидойилиги ва садоқати кучаяди. Жамиятда ўқитувчилик касбини танловчилар сафи кенгайди. Натихида одамларнинг таълимга бўлган муносабати ўзгаради, муаллимларнинг касбий маҳоратини ошириш учун қулай шариот ва имкониятлар яратилади. Одамларнинг интеллектуал салоҳияти ри-

вожланади. Мақоми бандан ўқитувчилар жамият аъзоларининг, бутун халқнинг савиясини ҳам кўради.

Дунёнинг мутараққий давлатлари ҳам халқининг интеллектуал даражаси юқорилигига таълим тизимининг савиясини ҳамда ўқитувчилар мавқеини ошириш орқали эришган. Бинобарин, жамиятнинг инсон ўзгариради, таълим инсонни ўзгариради. Таълимнинг марказида эса доим муаллим туради. Шу боис янгиланган Конституциямизда ўқитувчининг жамиятда тутган ўрни юксак эътироф этилиб, муҳрлаб қўйилгани барчамизни қувонтирди.

Энди ўқитувчи фақат ва фақат

Илм-маърифат — янги ўғонини даврининг пойдевори, жамиятдаги барқарорликни таъминлаб берувчи асосий омиллардан биридир. Илм-фан ривожланиш экан, нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий-маданий соҳанинг ҳам тараққиёти рўй беради. Илм-маърифат равнақ тоғдан давлат жаҳон майдонида ўз ўрни, ўз сўзига эга бўлишини юксак тараққий этган мамлакатлар тажрибаси исботлайди. Донишманд халқимиз таъбири билан айтганда, илм-маърифат икки дунё саодатидир.

Шу боис ҳам жамиятда ўқитувчининг обрўсини кўтаришга, унинг илм-фан, таълим сифати билан шуғулланишига барча шариотини яратаетган, ёшларнинг сифатли билим олиши, уларнинг порлоқ келажиги учун беқеъи имкониятлар этишгини оцаётган, муҳими, ислохотларнинг ҳуқуқий асоси — Бош қомусимизга киритилган ўзгаришлар биз, таълим тизими ходимларига фахру ифтихор бағишлайди.

Жалил ҲАМИДОВ, Жиззах политехника институти сервис факультети декани, педагогика фанлари доктори, профессор.

Табиа инъоми

ЎРИК ПИШДИ

Наманган вилоятининг Поп туманида “Nuran.Uz” мева-сабзавотчилик кластери ташаббуси билан ўрикзорларда инновацион технологиялар муваффақиятли қўлланиши ўз самарасини бермоқда.



Ўтган қисқа вақт ичида кластер қорхонаси томонидан тўртта қудуқ қазилиб, 102 гектар майдонда томчилатиб сугориш орқали ўрик, шафтоли ва наъматак етиштириш йўлга қўйилди. Шу мақсадда Испаниядан эртапишар ва серхосил мева қўчатлари келтириб экилди.

Шу қунарда боғларда ўрик фарқ пишиб, поплик боғбонлар мевани халқаро стандартларга мос тарзда қадоклаб Россия, Қирғизистон, Қозогистон, БАА ва Жанубий Корея давлатларига экспорт қилишга киришди.

Айни пайтда 500 та мавсумий ва 50 та доимий иш ўрни яратилган мева-сабзавотчилик кластерида ҳосилини йиғиштириш, саралаш ва қадоклаш ишлари жадал олиб боришмоқда. Бизнес режага мувофиқ, ҳорий йилги мавсумда дўриқнинг ўзидан 1000 тонна ҳосил олиш ва экспорт қилиш режалаштирилган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 541. 17 714 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоноси келишилган нархда.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълоналр 71-232-11-15.

155N 0100-A78A

4 772034 4 78004

Тахририятга келган қўлазмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг етказиб берилиши учун обуюнини расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Ҳудойшукров, Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюқ Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 04.10. Тошпирилди — 05.00 1 2 3 4 5 6